

821.512.
М-25

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҲАЙРАТ
УЛ-АБРОР

МАТН, НАСРИЙ БАЁН,
ШАРҲ, ЛУҒАТ

БИРИНЧИ КИТОБ

821.512
М-25

Алишер Навоий

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

Матн, шарҳ, насрий баён, луғат

Биринчи китоб

Муқаддима бооблар

Шарҳ ва насрий баён муаллифи

Ақром Малик

— 3550 —

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAKBUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AKBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Тошкент
«TAMADDUN»
2021 йил





УДК 821.512.133-1
КБК 83.3.(50)
М 25

Малик, Ақром.

Алишер Навоий: «Ҳайрат ул-абор» (Матн, шарҳ, насрий баён, луғат) / Виринчи китоб: муқаддима / А.Малик. – Т.: «ТАМАДДУН» нашриёти, 2021. – 472 б.

Қўлингиздаги китоб Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-абор» дostonининг муҳтасар шарҳи, матн, насрий баён ва луғатини ўз ичига олади. Китобда замонавий герменевтик ва феноменологик тадқиқот методлари билан бир каторда муштов адибутиимизда мавжуд бўлган шарҳ илми анъаналарига суянишган. «Ҳайрат ул-абор» dostonи учун ёзилган шарҳ уч китобдан иборат ва қўлингиздаги биринчи китоб асрнинг дастлабки наъзира бир бо-бини ўз ичига олган бўлиб, филология ўнналиши мутахассислари, таълиблар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Насрий баённи таъриғида бевосита шитроқк элган ва ким-матн масоҳатларини аймаган шоир, устоз шайхдор Абдулҳамид ПАРДЯЕВА самимий миннатдорчилигини изҳор этади.

Шарҳ ва насрий баён муаллифи:

Ақром МАЛИК

Масъул муҳаррир:

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Илмий муҳаррир:

Олимжон ДАВЛАТОВ,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Тақризчилар:

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор

Узоқ ЖўРАКУЛОВ, филология фанлари доктори

Дилнавоз ЮСУПОВА, филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-5120-5-4

© А.Малик

© «ТАМАДДУН» нашриёти, 2021



Ҳайрат ул-абор



НАВОИЙ ҲИҚМАТЛАРИ МАЪНАВИЙ МАДАД БЎЛИШИНИ ИСТАБ

(Сўзбоши ўрнида)

Ҳазрат Алишер Навоийнинг замондошлари ўз китобларида улў мутафаккир шоир ва давлат арбобининг халқ ичида машҳур бўлган бир неча унвонларини санаб ўтадилар. Жумладан, Давлатшоҳ Самарқандий ўз таъкирасида шоирни Низомуддин Амир Алишер деб таништиради. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам ул зотни «Ҳазрати султоннинг яқин кишиси, қудратли салтанат устуни, мамлакат таянчи, ҳақ ва ҳақиқат ва дин низомии» деган унвонлар билан улуғлаган. «Низом» сўзининг луғавий маъноси «тартиб» демакдир. Инсонга нисбат берилганда «намуна» маъносини беради. Ҳазрат Навоий Қуръони карим кўрсатмалари ва Расули Акрам (с.а.в.) суннатларига ҳадди аъло даражасида рив қилган Буюк Тақво соҳиби эди. Ул зотнинг ҳаёт йўли буюк суфийлар ҳам



ҳавас қилгудек ҳақиқий Ошиқ йўли эди. Ҳазратнинг хулқ-атворидан ибрат олмоқ, ғазилатларини ўзлаштирмак, у кишининг панду насихатларига амал қилмоқ, эътиқод ва аъмолларини ўзига низоми қилиб олмоқ шараф ҳисобланган. Ал-ҳақ, ул зот эътиқоду иймонда комил, илму маърифатда ягонаи даврон эдилар. Шунинг учун ҳам ҳазрат Мир Алишер Навоӣ Низомиуддин, яъни Диннинг низоми деб улуғланган

Ул зотнинг «Ҳайрат ул-аброр» асари бошқа асарлари каби айни инсонни камол топтиришга қаратилган жиддий асардир. Унда ҳазратнинг чуқур илми, мутафаккир сифатидagi кент ва чуқур таҳлили, чин мусулмон ва тақво соҳиби сифатидagi маъсум қалби кечинмалари, валийлариға хос мушоҳадалари, доғнишмандона ўғитлари ўз ифодасини тошган. Бу дoston «Ҳамса»нинг бошқа дostonларига очкич вазифасини ўтайди. Кимки «Ҳайрат ул-аброр»ни тушуниб ўқиса ва маъносини укса кейинги дostonлардagi сюжет ва образлар ҳадиси шарифдagi «ал-мажозу кантарату-л-ҳақиқа» лафзига мувофиқ Аллоҳ ҳақиқати ва Қоинот низоми шарҳига бориб тақалишини англайди.

...Мир Алишер Навоӣ «Ҳамса»сини тугатиб, Султон Ҳусайн Бойқароға келтирганда султон дебдилар:

– Анча вақтдан бери сиз билан ўртамизда бир гап борки, шунга бугун ҳал этмагимиз даркор.

Гап шунда эдики, Ҳусайн Бойқаро ҳаммаша Амир Алишерни ўз пири деб эълон қилишни истар, аммо амири қабир эса: «Аллоҳ, Аллоҳ! Нима деярсиз, биз муридмиз, сиз эса ҳаммага пир!» дерди.

Хуллас, бу гап ҳам биров торттигандек бўлишди. Охири султон сўради: «Хўб, пир киму мурид ким?» Ҳазрат Навоӣ дедилар: «Мурид шукки, пирнинг муроди нима бўлса, муриднинг ҳам муроди шу бўлиши керак!» Шунда подшоҳ оқ отни келтиришларини буюрди... Мирзо деди: «Демак, сиз муриду мен пир бўладиган бўлсам, менинг хоҳиш-муродим шукки, мана шу отга минасиз ва мен отнинг жиловини тутиб, олдингизда юраман. Сарой аёнлари олдида ноилоҳ аҳволда қолган Навоӣнинг отга минишдан ўзга чораси қолмади...»

Бу нақл Ҳазрат Навоӣнинг кичик замондоши Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъу-л-вақоеъ» асаридан. Ҳусайн Бойқаронинг улут шоирга муносабати ўз тилидан ҳам баён этилган. Султоннинг Навоӣ таърифидagi рисоласи «Ҳайрат ул-аброр»билан бирга кўчирилган алоҳида кўлёзма нусха ҳолида бизгача етиб келган. Балки уни Султоннинг ўзи буюртиргандир. Бу муҳим эмас. Муҳими, Султон «Ҳайрат ул-аброр»ни ўқиб Навоӣ-

нинг Аллоҳ Ҳақиқати, Коинот қонуниятлари, Инсон феномени масалаларида валийлarga хос дақиқлик билан фикр юритганидан ҳаяжонга тушади ва таърифига тил ожиз сўз бойлиги ҳамда ифода услубига эга бўлган тенгсиз мутафаккир шоир қаршисида турганини англаб етади. Унинг ғоят мутаассир бўлганини куйидаги эътирофидан ҳам билса бўлади: «...ва лекин маъоний абақорига бу кунга қадар ҳеч киши туркона либос кийдурмаган... Ва ал-ҳақ, чун бу ҳумоюн фурсатга ва бу рўзафзун давлатга «Ҳамса» панжасига илиг урдию анинг итмомига жила келтурди... анинг афсоналари рангинлигини абаёти сеҳройинлигин ва тарокиби матонатину маъонийси латофатин мутолаа қилган киши билгай-йу мулоҳаза қилган киши фаҳм этгай». Ҳақ гап. Кейинги асрларда ҳам ҳар кимки Навоий «Ҳамса»сини ўқир экан, унинг ботиний маънолари устида мулоҳаза юритган, чуқур изланган. Чуқурлашган сари унинг талқинлари инсонни ғайб оламига етакловчи йўлларга олиб чиқар, инсон идроки ожиз бўлган сарҳадлар ҳақиқатини сўйлагандек, ўз вужуди ва Мутлақ вужуд ўртасидаги муносабатларга жавоб топгандек бўлар, инсон амаллари, ҳулуқ атвори, инсон камолоти қазову қадар жодасида ирода эркинлигига бўйсундирилганини тушуниб етишига сабаб бўлган. 1832

йилда номаълум котиб томонидан кўчирилган Навоий «Ҳамса»си сўнгида шундай мисралар ёзиб қолдирилган:

*Навоийки, ул жомеи суруу жаҳр...
Анинг ҳар сўзидур муаймо мисол,
Анго сзмгандын хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур нуҳон,
Ки ҳар ганжидадур нуҳон бир жаҳон...*

«Ҳайрат ул-аброр» юртимизда бир неча бор чоп қилинган. Устоз навоийшунослар томонидан насрий баёни ҳам нашр этилган. Уларда асарнинг ғоявий мазмун-моҳияти тарбиявий жиҳатларини ҳисобга олиб зоҳирий шарҳланган. Бирок байтларнинг қабрида яширин ётган ғайб сир-синаатлари шарҳи ҳали амалга оширилмаган эди. Ақром Малик ушбу асарнинг янги шарҳига киришиб, улўф навоийшунос олимларимиз учун армон бўлиб қолган муҳим бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилган.

«Ҳайрат ул-аброр» асари том маънода илоҳиёт мавзусида битилган бўлиб, унда йратувчи илми ва қудрати ҳамда қомил инсон эътиқоди ҳақида сўз боради. Биринчи бобда «Бисмиллаҳ» таърифида йратувчи қудрати. Иккинчи бобда Аллоҳнинг яратувчилик илми моҳияти васф этилади, Унинг яратиклари ҳикмати тўғрисида мулоҳаза юритилади. «Ҳайрат ул-аброр» достонининг учинчи боби-